

## **БҮЮК МАЬНАВИЯТИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ**

**Абдурашидов Бунёдjon Илёс ўғли**

*Тошкент давлат аграр университети талабаси.*

*Илмий маслаҳатчи: доц, X.Хушвақтов*

Ўрта Осиё узок тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб келган ноёб моддий ва маънавий ёдгорликлари билан инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири сифатида жой олган. Мамлакатимиз худудларида жойлашган Зараутсой, Сармишсой, Такалитош каби маконлардан ибтидоий рассомлар томонидан қоятошларга ўйиб ишланган расмлар аждодларимизнинг тасаввур ва тафаккур доираларининг кенгайиши, эътиқодлари ва диний қарашларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Милоддан аввалги 1-минг йилликнинг 1-ярмида зардуштийликнинг муқаддас китоби- “Авесто”нинг яратилиши, Марказий Осиё ҳалқлари маънавияти, маданияти, урғодатлари ва ахлоқий қарашларининг такомиллашишида етакчи ўрин тутди.

Баъзи муаллифларнинг таъкидлашларича, қадимги даврларда Эрон ва Ўрта Осиёда табиат кучларига сифиниш етакчи ўрин эгаллаган. Тун ва кун, фасллар алмашинуви мунтазамлиги дунёning маълум бир тартибда барқарор бўлганлиги тўғрисидаги билимларни келтириб чиқарган. Одамлар “Ахура Мазда”ни ана шу тартибининг қўриқчиси деб билишган. Унинг ўғли “Атар”-оловнинг ўранишган жойи бепаён осмон бўлган деб ҳисоблаган[1]. Ўзбекистоннинг 1-Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “Авестода борликнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан бўён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қиласди” [2].

Милоддан аввалги 1-минг минг йилликнинг охирларида дастлабки кутубхоналарнинг вужудга келиши аждодларимизнинг маънавий дунёқарашларининг юксалишида муҳим омил бўлди. Айни пайтда, Ўрта Осиё ҳалқларининг Буюк Ипак йўли таъсирида Олд Осиё худудлари ва Ўрта дengизнинг шарқий қисми қирғоқларида яшаган ҳалқлар билан маданий-маънавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши бу жараённинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди.

Қадимги ва илк ўрта асрларда биргина Хоразмнинг ўзи нафақат Марказий Осиё, балки умуминсоният маданиятига катта ҳисса қўшган. Жумладан, хоразмликлар қадимги даврларда арамий алифбосига асосланган ўз ёзувларини ихтиро қилиб, уни ўз тилларининг хусусиятига мослаштиришган. Абу Райхон Беруний қолдирган маълумотларга кўра, бу ёзувнинг энг қадимги намунаси Кўйқирилган қальадан

топилган бўлиб, у милоддан аввалги IV асрга тааллуқлидир. Хоразмликлар ўз эралари ва катта аниқликдаги тақвимларига эга бўлганлар [3].

Баъзи сабабларга кўра, исломгача Хоразмдаги илмлар ҳақидаги аниқ маълумотлар бизгача етиб келмаган. Лекин бу борада, қисқа бўлсада Берунийнинг асарларида баъзи маълумотларни учратамиз. У ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Ой манзиллари ҳақида фикрларини баён этиб, “мунажжим” хоразм тилида “ахтарвеник”, яъни “ой манзилларини кузатувчи” дейилишини ва “хоразмликлар буржларни араблардан яхшироқ билганликларини”[4], таъкидлаб ўтган.

Бироқ, Абу Райхон Берунийнинг маълумотларига кўра, VII-IX асрларда мамлакатимиз ҳудудларида содир бўлган босқинчилик ҳаракатлари оқибатларида қадимдан сақланиб келинаётган ноёб китоблар йўқ қилиб юборилган. Ўрта Осиёнинг VII асрда Араб халифалиги таркибига киритилишига қадар, бу ерда қадимдан шаклланган тасвирий санъат, меъморий ва амалий хусусиятга эга бўлган ёдгорликлар (мил. авв. VIII-Vасрларга оид Суғдиёна шаҳар харобаси, мил. авв. II ва мил. II асрларда гуллаб яшнаган Варахша шаҳар харобаси, V-VII асрларга оид Панжакент шаҳар харобаси ва бошқалар), шунингдек илмий билимларни ўз ичига олган кўп қиррали маданият вужудга келган. Бу даврда билимларнинг жамланиши ва уларнинг ижодий ўзлаштирилиши илм-фан, маданий ва маърифий ҳаётнинг қайта шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари ўртасида илм-маърифатга интилишнинг кучайиши, жаҳонни лол қолдирган буюк мутафаккирларнинг етишиб чиқиши бу ҳудуднинг илм-маърифат, илмий кашфиётлар бешиги сифатида тарихда “Ўрта Осиё ренессанси”, “Мусулмон ренессанси” каби тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас. Швейцариялик шарқшунос олим Адам Меценинг “Мусулмон ренессанси” асари IX-X асрларда мусулмон Шарқида юз берган маданий ривожланиш тарихига бағишлиланган ноёб китоб ҳисобланади. Унда ижтимоий ҳаётнинг бошқарув, молия, қонунлар, солиқ тизими, шаҳарлар ҳаёти, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан бир қаторда, илмий ва маданий ҳаёт, дин, адабиёт ва бошқа мавзулар ёритилган [5]. Муаллифнинг таъкидлашича, Мусулмон ренессанс ва Европадаги уйғонишнинг умумий илдизи, юонон фани ютуқлари бўлган.

Ўрта аср тарихчилари ва сайёҳлари ушбу даврда Марказий Осиёда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ўсганлиги, кўркам шаҳарлар қад кўтарганлиги, илм-маърифат самарали ривожланганлиги ҳақида маълумот берадилар.

Бу даврда Ўрта Денгиз бўйи ва Олд Осиё халқлари илм-фани ва маданиятининг ислом маънавияти таъсирида Ўрта Осиёга кириб келиши “Ўрта асрлар Шарқ Уйғониш даври” деб аталган янги жараённи вужудга келишига шароит яратди. Бу жараёнда марказий осиёлик алломалар илм-фан ва маънавиятнинг илгари кузатилмаган тараққиётида етакчи рол ўйнадилар. Бу даврда монументал

меъморчилик, тасвирий санъат, мусавирлик ва мусиқа санъати ниҳоятда ривожланган, кутубхоналар фаолияти кенгайган. Жумладан, «Бухорода баланд тош деворлар билан ўралган саройлар, турли расмлар билан безатилган меҳмонхоналар, моҳирлик билан барпо этилган боғлар, хиёбонлар, ҳовузлар» мавжуд бўлганлиги ҳақида манбаларда қайд этилади. Абдул Вафо ал Бузжоний ўзининг «Геометрик қоидаларнинг ҳунармандларга керакли томонлари ҳақида» асарида турли геометрик усуллар ёрдамида ҳар хил нақшлар, бино безакларини ясаш йўллари, қурувчи усталарнинг тажрибалари, бадиий усуллари ҳақида ҳикоя қилинади. Бошқа манбаларда бу даврдаги тасвирий ва мусавирлик санъати, хусусан портрет чизиш ҳақида маълумотлар келтирилади.

Бизгача етиб келган бебаҳо қўлёзмалар маданий ҳаётни жонлантириш ва ривожлантиришга катта ёрдам беради. Узоқ давом этган сиёсий ва иқтисодий курашлар натижасида мустақилликни қўлга киритган Сомонийлар давлатининг биринчи ҳукмдорлари жамиятни маданий ва маънавий қадрияtlар асосида бирлаштиrmасдан туриб, давлат мустақиллигини сақлаб қолиш мумкин эмаслигини англадилар. Араб ёзувида бадиий ижодни таъқиқламаган ҳолда, сомонийлар оддий ҳалқ англайдиган тилда ёзган муаллифларни тўла қўллаб-қувватладилар. Улар нафақат адабиёт аҳлига, балки барча олимларга ҳомийлик кўрсатиб, Шероз кутубхонаси билан рақобат қилишга қодир бўлган улкан кутубхонани яратдилар. Улуг аллома Ибн Синонинг ёзишича, кутубхона кўпхонали бўлиб, хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари бошқасида фикхга оид китоблар тўпланган. Фанларнинг маълум соҳасига доир китоблар тартиб билан ҳар бир хонада тахлаб қўйилган. Улар орасида энг эътиборлиси ва йириги сомонийларнинг сулолавий кутубхонаси бўлган. Мўғуллар босқини арафасида (XIII аср бошлари) Самарқанд, Марв, Балх ва бошқа йирик шаҳарларда ҳам илм-фанга қизиқувчилар тўпланадиган маданият марказлари бўлган. Бу марказларда китоб ёзишга эътиборнинг кучайиши, китобларни безаш, нақшлар билан кўркам қилиш мусавирлик ва ҳаттотлик санъатининг такомиллашишига зарур шароит яратилган.

Умуман бу даврда ноёб қўлёзмаларни тўплаш, китоб ҳолига келтириш, кўчириш маънавий ҳаётнинг муҳим жиҳатларидан бирига айланган. Маълумки, ўша вактларда асарлар қўлда, қўпинча бир нусҳадагина ёзилган. Босмахоналар эса бир неча асрлардан кейин пайдо бўлган. Ёзилган китобни бошқаларга етказиш мақсадида ундан нусҳалар олиш зарур бўлган. Шунинг учун нусха кўчириш, асарни кўпайтиришга катта эътибор берилган. Аста-секин маҳсус нусха кўчириш санъати ва ҳунари шаклланиб, бир жойда ёзилган асарларни бошқа вилоятларга тарқатиш имкони вужудга келган.

Маҳсус нусха кўчириш билан шуғулланувчилар, хусни хат соҳиблари пайдо бўлиб, улар берилган маҳсус буюртмаларни бажариш ёки сотиш учун асарлардан нусха кўчириш билан шуғулланганлар. Китобдан нусха кўчириш, китоб савдосининг

кенг йўлга қўйилиши маърифат ахли сонининг ошиб боришига шароит яратган. Натижада Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдод, Дамашқ сингари шаҳарларда катта кутубхоналар вужудга келган. Бозорларда китоб китоб савдоси, уни тарқатиш билан шуғуланиш йўлга қўйилган. Ўрта Осиёга Дамашқ, Бағдод, Миср, Эрон ва Испаниянинг турли шаҳарларидан қўлёзмалар келтирилиб, бу ердан қўлёзма асарлар бошқа ўлкаларга олиб кетилиши йўлга қўйилган.

Шундай қилиб, узок ўтмиш жараённида амалга оширилган фан ва техника соҳасидаги оламшумул ихтиrolар, давлатлар ва халқлар ўртасида кенгайган иқтисодий, сиёсий, маданий- маърифий алоқаларнинг жадаллашувига туртки бўлди. “Буюк тарихда,-деб таъкидлаган эди Ш.Мирзиёев,-хеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асрар авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”[6].

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. - Тошкент: “Ёзувчи”, 2000.10-б.
2. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т. “Маънавият”, 2016. 32-б.
3. Хоразм Маъмун академияси. –Т., 2005. 31-32-бетлар.
4. Рожанская М.М. Абу-л-Фатх Абд ар-Рахман ал-Хазини. –М.: 1991. –С.13
5. Завадовский Ю.Н. Абу Али ибн Сина. –Душанбе: Ирфон, 1980. –С. 96-76.
6. Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. Тошкент оқшоми, 2016 йил, 19 октябрь.